

ТАРБИЯСИ ҚИЙИН ЎСМИРЛАР

Сулейманова Хуморохон Улуғбек қизи

Чирчиқ давлат педагогика университети магистранти

xumorasuleymanova1993@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада “Тарбияси қийин” ўсмирлар билан ишлашнинг ўзига хослиги, ўсмирлик даврининг психологик жихатдан ривожланиш хусусиятлари, ўсмир шахсининг шакилланиши ва камолотга эришиш йўллари ва унга таъсир этадиган биологик ва ижтимоий омилларнинг таъсири, олимларнинг ўсмирлардаги қийинчиликлар ҳақидаги фикрлари акс этган.

Калит сўзлар: ўсмир, психик жараён, камолот, эгоцентризм, эгоизм, аутизм, ўз-ўзини англаш, ота-она, педагог, эътибор, .

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қулга киритган илк кундан бошлаб, ёшлар соҳасига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Республика миқолида таълим ва тарбия ишларини амалга ошириш, уни жахон андозалари даражасига чиқариш, фан соҳасидаги янгиликларни амалий ҳаётга тадбиқ этиш муҳим масалалардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Барча соҳаларда камчилик бўлгани каби бу камчилик ёшлар ўртасидаги таълим тарбия соҳасини ҳам четлаб ўтмаган.

Ўсмирлардаги тарбияси қийинлик хулқ кўринишлари низоли хулқ бўлиб, у ўсмир ва уни ўраб турган ижтимоий муҳит ўртасидаги муносабатларнинг номувофиқлиги, ўзини жамиятдаги тутган ўрнидан қониқмаслиги, жамиятдаги қонун қоидалар билан келиша олмасликка сабаб бўлади. Ўсмирдаги хулқий оғишлар фақатгина унга бевосита таъсир этувчи омилларнинг натижаси эмас, унинг ташқи шароитлар тизимининг унда шаклланган ички ҳолатлар билан номувофиқлигидир.

Ўқитувчилар ҳар қанча уринишдан қатъий назар, таълим жараёнида тарбияси қийин ўсмирлар ҳам учраб туради. Хозирги кунда бундай ўқувчилар билан яқин-яқин ишлаш усули яратилган бўлиб, феъл-атвордаги нуқсонларнинг, ҳатти-ҳаракати носоғломлигининг олдини олиш ва тузатиш йўллари илмий асосда ишлаб чиқилган.

Ўсмирлик даври тараққиёти маълум бир ўзига хос номланишларга эга бўлади: «ўтиш даври», «кескин ўзгариш даври», «портловчи давр», «қийинчиликлар даври», «танқидга учраш даври» ва ҳоказо. Бу даврда эгоизм, эгоцентризм, аутизм ўсмирлик даврининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобланиб, «мен асосийман», «менинг фикрим марказийдир» деган мақсадга қаратилади.

Айнан ўсмирлик ёшида ижтимоий меъёрларга ҳар хил қараш туфайли кўпинча, унинг хулқ-атвори меъёрларнинг тескариси эканлигини ҳисобга олиб, ўсмирга нисбатан салбий қарашлар юзага келади.

Тарбияси қийин ўсмирларни ўрганишда кинолавҳалар, юридик варақа, ишонтириш, рағбатлантириш, бўйсиндириш, қўрқитиш, “сунъий қийин ҳолатни яратиш” сингари усуллардан фойдаланилади. Тарбияси қийин ўсмирларни келтириб чиқарувчи сабаблар куйидагилар;

1. Шахснинг биологик нуқсонлари;
2. Шахснинг психик камолотидаги камчиликлар;
3. Шахснинг тарбиясидаги нуқсонлар;
4. Шахснинг билим олиш фаолитидаги камчиликлар;
5. Мактаб таълими ва тарбиясидаги камчиликлар;
6. Мактабдан ташқаридаги нуқсонлар.

С. Холл (1940) ўзининг рекапитуляция назариясида ўсмирлик ёши инсоният ривожланиш тарихининг романтик эпохасига тўғри келиб, болалик билан катталиқ орасидаги босқич эканлигини таъкидлайди. У ўсмирнинг характерида парадоксаллик ва амбивалентлик ҳолатларини изоҳлаб, уларнинг фаолиятларида ўта фаоллик ҳукмронлик қилишига эътиборни қаратиб, уларда шод-лик ўрнини қайғу, ўзига ишончли тортинчоқлик, худбинликни альтруизм, маънавий интилувчанликни паст кўзгалувчанлик, мулоқотмандлик истагини писмиқлик ва ҳрказолар тезкор ўрин алмашиши билан ифодаланишини ўзини ўзи англаш кризиси билан боўласа, немис файласуфи ва психологи Э. Шпрангер (1924) ўсмирлик ёши қизларда 14-21 ва ўғил болаларда 13-19 ёшларгача давом этиб, унингбиринчи босқичи 14-17 ёшларга тўғри келиб, бу ёшда болалиқдан кутулиш содир бўлишини изоҳлади.

Оилавий тарбия тўғри ташкил этилмаслиги ёки ота-онанинг бола тарбиясига оид билим ва тажрибасининг етишмаслиги интеллектуал жиҳатдан соғлом туғилган индивид ривожланишига таъсир этиб, охир оқибат унинг интеллектуал етуқлик даражасининг пасайишига сабаб бўлади. Ўсмирлик даврига хос хулқ-атвор бузилишлари ва уларни ижтимоий мослаша олмаслик (дезадаптация) муаммоси кучайиб бориш хусусиятига эга эканлиги боис ҳам жуда долзарбдир. Бундай ўсмирларнинг умум қабул қилинган ижтимоий ва маънавий-ахлоқий меъёрларни тан олмаслиги, таълим-тарбия билан шуғулланувчи оила, мактаб, маҳалла ва бошқа ижтимоий институтлар олдига муҳим вазифаларни юклайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ғозиев Э.Ғ, Тўлаганова Г.К. Тарбияси қийин ўсмирлар. Т.: 1989.
2. Ғозиев Э.Ғ. Онтагенез психологияси. – Т.: 2010.
3. Ғозиев Э.Ғ. Психология методологияси. – Т.: 2013.
4. Ғозиев Э.Ғ. Психология. – Т.: 2010.